*Шундайлар бор бўлсин!*

# ЮРАГИДА ВАТАН МЕҲРИ БОР

***СЎНГГИ йилларда кўпгина касбларга муносабат ўзгариб бормоқда, анъанавий бўлиб қолган ёндашиш ва дунёқараш катта бир ижтимоий-маънавий ўзгариш таъсири остида ўз шакли ва мазмунини ўзгартира бошлади. Фан ва маданият, ҳаттоки, анчагина жиддий ва мураккаб саналмиш банк, молия тизимида ҳам фикр юритиш, тафаккур ва идрок этиш каби тушунчалар олдинги ўринга ўтиб бормоқда.***

Журналистика ҳам шундай. 20 йил олдин журналист бўлиш завқли эди, романтика ва ижод меваси сифатида қабул қилардик бу ноёб соҳани. Ҳа, журналист бўлиш ниҳоятда қизиқарли деб ўйлашади. Аслида эса, бу касбнинг юки ўта оғир. Ҳаёт акси, инсон акси мужассам топади журналист ижодида. Агар, журналист яна олим ҳам бўлса-чи? Шундай одамларнинг кўпини биламан. Улардан бири эса, мени доим ҳайратга солади, ҳаётимнинг мушкул ва қайғули дамларида сабр ва ирода каби буюк кучларга таянишга ундайди.

Иш столимда бир катта альбом турибди. “Ҳайдарали Узоқов. Докторлик мавзуси “Ўзбекистоннинг мустақиллик учун кураш тарихи” 1900-1940 йиллардаги журналистлар фаолияти мисолида”. Ўзбек журналистларининг ва ўзбек журналистикасининг 40 йиллик фаолиятини, фожеасини ўрганиб, уларнинг руҳини шод этиб, тарихий ҳақиқатни тиклаш йўлида қанча-қанча қийинчиликларни бошидан ўтказган муаллиф бу альбом ҳақида ва шу мавзудаги монография ҳақида хотиржам сўзлай олмайди.

Домланинг юрагида дард бор, қайғу бор. Дарди бор юрак эса — инсонийлик рамзи. Дардсиз юракка Ватан сиғмайди, деган экан шоир. Ҳайдарали Узоқовнинг юрагида — Ватан дарди, миллат дарди яшамоқда. Сиз бир марта бўлса ҳам, шу альбомни кўздан кечиринг, юрагингиз йиғлайди.

...Ҳайдарали Узоқов 1930 йилнинг 1 майида Фарғонанинг гўзал Водил қишлоғида — тоғ ёнбағрида деҳқон оиласида таваллуд топган. Бошланғич маълумотни Водилда, кейинроқ эса Каптархона қишлоғида олиб, мактабни олтин медаль билан тугатди. Тошкент Давлат университетининг филология факультетига ўқишга кирди. “Ёш ленинчи”, “Ўқитувчилар газетаси”, “Тил ва адабиёт таълими”, “Халқ таълими” журналларида бўлим бошлиғи, муҳаррир ўринбосари бўлиб ишлади. Публицистика соҳасида тинмай меҳнат қилди.

Бўлажак олим журналистика ва илмий педагогик фаолиятни бир-бирига боғлаб, тадқиқотлар олиб борди. Ўзбек тили муаммоларига доир 98 илмий ва услубий, адабиётшуносликка доир 47 тақризий ва илмий, аҳлоқ-одоб ва қадриятлар мавзусидаги 119 публицистик, қатор тарихий муаммолар ечимига бағишланган яна кўплаб долзарб мақолалари республика матбуот нашрларида эълон қилинди.

Домланинг ҳар бир суҳбати — ҳодиса, ҳар бир сўзи — ҳикмат. Камтарлик, ишга содиқлик, қатъият, инсонийлик, самимият ва дилкашлик, шикаста кўнгилни юпата олиш каби фазилатлар мужассам ҳолда ҳаммада ҳам учрайвермайди. Ҳайдарали ака умрнинг барча синовларига бардош берди, кўп йиллар мобайнида архивларда ишлаб, миллат фожеаси тарихи билан юзма-юз бўлиб, иродаси тобланди, ҳаёт ва билим тажрибаси ортди.

Олим изланишларидаги алоҳида мавзу — яқин ва узоқ ўтмишдаги қатағонлик даври бўлиб қолди. Ўзбек халқининг бошига тушган мусибатнинг ярим асрлик тарихи унинг фаолиятида муҳим ўрин тутади. Хусусан, илм соҳибининг докторлик диссертациясида Ўзбекистонда мустақиллик учун кураш тарихи ўзбек журналистикаси мисолида кузатилади. Мавзу юзасидан у 135та китоб, рисола ва монографиялар чиқарди. Қатағонлик даври қурбонлари бўлган Г. Юнусов, П. Солиев, ёзувчи-журналист ва педагоглар Ашурали Зоҳирий, Шокир Сулаймон, Абдулла Каримов, Санжар Сиддиқ, Аъзам Аюб, Муҳаммаджон Ҳолиқий, Салимхон Тиллахон сингари 100дан ортиқ зиёлиларнинг, журналистларнинг мустақиллик учун кураши архив материаллари асосида матбуотда унинг кўп йиллик машаққатли меҳнати билан биринчи марта эълон қилинди, юзага чиқди.

Эътибор беринг — Биринчи марта! Биринчи бўлиш қийин, ниҳоятда масъулиятли. Айниқса, қатағонлик даври ҳақида сўз кетганда, алоҳида урғу билан шу мавзуда ишлаётган ҳар бир олим ёки журналистнинг жасоратини эслаш лозим. Айниқса, қатағонлик даври бундан ҳам жиддий ва оғир мавзу. Сабаби яқингача бу мавзу ёпиқ эди, материаллар махфий сақланарди. Бу деворни ёриб ўтиш осон бўлмади, лекин Ҳайдарали ака бунинг уддасидан чиқди.

1999 йилда Бўстонлиқ туманида ажойиб юртдошимиз Машриқ Юнусов — Элбекнинг 100 йиллиги нишонланди. Қатағонлик даври қурбони бўлган ўзбек фарзанди, шоир, олим, педагог Элбекнинг ҳаёт йўли ва ижоди Ҳайдарали Узоқовнинг мураккаб ва серқирра фаолиятида алоҳида бир саҳифа, алоҳида бир даврни кашф этди. Тадқиқотчи ижоди намуналари жамланган альбомни варақларкан, бу каби ўнлаб мақолаларга дуч келамиз. Уларнинг ҳар бирида мураккаб тақдир эгалари қиёфасини кўрамиз:

Абдулла Алавий, 1903 йилда туғилган. Ўзбек шоири, журналист, педагог олим, профессор. Пскентлик, Самарқандда Педагогика Академиясини тугатган. Мумтоз адабиётимиз ва ўзбек тили муаммоларига бағишланган илмий мақолалари, рисолалари, шеърлари матбуотда чоп этилган. 28 ёшда қатағон қилинган.

43 ёшда отилган Султон Сегизбоев — Оққўрғонда туғилган. Москвада ўқиган, журналист ва сиёсат факультетини тугатган Акмал Икромов, Наим Саид, Аъзам Айюбларнинг яқин дўсти эди. Туркистон Министрлар Кенгаши раиси бўлиб ишлаган. Журналист сифатида элликдан ортиқ сиёсий ва публицистик мақолалар эълон қилган...



Рўйхатни давом эттириш мумкин. Альбомни хотиржам кўра олмайсиз, юрагингиз қон бўлади, вужудингизни даҳшат босади. Миллат бошига тушган бу мусибат — қатағонлик даври — ҳали очилмаган ва ўқилмаган китоб. Уни ўқиб чиқиш учун бизга анча куч ва бардош керак бўлади. Ҳайдарали аканинг саломатлигига шу иш жуда катта салбий таъсир қилган. Юзлаб зиёлиларнинг фожиали қисмати кўз олдида намоён бўлган олимнинг ҳолатини бир тасаввур қилинг-а!

Ҳамиша изланиш ва ижод билан банд бўлишига қарамай, ўз тажрибасидан ёшларни ҳам баҳраманд қилишга улгураётган бу одам ўзига муносиб издошлар ҳам тайёрлади, бешта фан доктори, 10та фан номзоди уни ўз устози деб билади. Шогирдларининг сони элликдан ошиқ.

Ўн бир йилдан бери Тошкент Кимё технологияси институти профессори, кафедра мудири бўлиб ишлаётган олимнинг қатор дарсликлари, хусусан, “Ўзбек тили амалиёти” (1994), “Оила этикаси ва психологияси” (1993) каби китоблари бугун ўқувчи ва талабалар, ўқитувчилар орасида кенг қўлланилмоқда.

...Чингиз Айтматовнинг “Биринчи ўқитувчи” қиссасида шундай сўзлар бор: “Нега одамларнинг оёқ излари ерда қолмайди? Агар шундай бўлганида мен устозимнинг оёқ изларини ўпган бўлардим”. Шундаймикан? Йўқ, одамларнинг излари боғлар, тикланган зиёратгоҳлар, янги асарлар, қайтарилган азиз номлар тимсолида замин узра қолади. 70 ёшни қоралаётган устоз ижодкор олим Ҳайдарали Узоқовнинг излари эса, айниқса, салмоқли. Халқ дуоси, ўтганларнинг буюк руҳлари уни доим қўллаб туришига, йўлини нурафшон қилишга тилакдошмиз.

***Зарифа ЭШМИРЗАЕВА,***
***вилоят “Олтин мерос” жамғармаси бошлиғи.***

*XXI аср ёшлари*

# УЛАР ЯПОНИЯДА ЎҚИЙДИ

*Ўзбекистонлик йигирма нафар талаба-бакалавр шу йил сентябрь ойидан бошлаб таълимни Япониядаги олий ўқув юртларида давом эттиради. Республикамиздан борган талабаларга стипендия тўлаш бўйича лойиҳани амалга ошириш учун ажратилган 127 миллион иен (1 миллиондан ортиқроқ АҚШ долларига тенг) миқдоридаги маблағ — мана шу мамлакат ҳукумати гарантидир. Гарант шу кунларда ҳукуматлараро имзоланган алмашув ноталарига мувофиқ равишда ажратилган.*

Лойиҳани амалга ошириш Япониянинг “Jice” халқаро ҳамкорлик бўйича марказига ишониб топширилган. Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида Япониянинг жуда кўп мамлакатларда ўз соҳаси бўйича таълим тузилмалари билан ҳамкорлик борасида катта тажрибага эга бўлган бу ноҳукумат, нотижорий ташкилоти билан шартнома имзоланди.

Шартномада келишилганидек, талабаларимиз кунчиқар мамлакати ўқув юртларида иқтисодиёт ва молия, менежмент, ҳуқуқ соҳасидаги ижтимоий-гуманитар ва иқтисодий фанлар бўйича магистратура даражасида таълим олади. Бироқ, ҳали ҳамма иш битгани йўқ. Хорижда ўқишга умид боғлаб турганларни ҳали бир неча босқичдан иборат синов кутади. Синов март ойида бошланади. Синовни “Jice” тузган японияллик профессорлар ўтказади. Синов пайтида ихтисос бўйича билимлардан ташқари, инглиз ва япон тилларини мукаммал билиш ҳам ҳисобга олинади. Чунки ўзбекистонлик ёшлар у ерда мана шу икки тилда таълим олади.

***А. ИВАНОВА,***
***ЎзА мухбири.***

*Шоҳмот ажойиботлари*

## КИШТ, МАЛИКАМ!

84 йил умр кўрган машҳур инглиз шоҳмотчиси Блекберн ўтган асрнинг иккинчи ярмида жаҳон биринчилигига асосий талабгорлардан бири бўлган. Айни пайтда у ажойиб комбинациялари билан донг таратган эди. Блекберн тахтага қарамай ўйнайвериб, мия чарчоғи туфайли “вос-вос” касалига мубтало бўлиб қолди. Назарида ер юзи шоҳмот тахтасига айланиб, ўзини эса, ҳар хил доналар қиёфасида ҳис эта бошлади.

Кунларнинг бирида у нотаниш бир жанобнинг қўлини маҳкам тутиб:

— Юришингиз бемаънироқ, тўрт юришда мот қиламан! — деб бақиради. Яна бир сафар нотаниш хонимга қараб:

— Кишт, маликам! — деб ўтакасини ёради.

“Яхшиямки, — деб ёзади ана шу мия чалғишлари ҳақидаги мақоласида Блекберн, — бирор марта ҳам ўзимни от қиёфасида тасаввур этмабман”.

## ДУРАНГГА ҚАЛАЙСИЗ?

Жаҳон чемпиони Ласкер Бостонда бир неча тахтада бирйўла шоҳмот ўйнаётганида бир шоҳмотчининг аҳволи жуда танг бўлиб қолди. Лекин у бўш келмай, “Дурангга, қалайсиз, доктор”, — деди. Унинг ишонч билан гапириши Ласкерга ёқиб тушди-да, кулиб дурангга рози бўлди.

“Аттанг, унга таслим бўл, десам бўлар экан”, деб афсусланди ўзига бино қўйган ҳалиги шоҳмотчи.

## НАҲОТКИ...

Австралиялик гроссмейстр Карл Шлехтер XX аср бошларида жаҳон чемпионлигига асосий даъвогарлардан эди. У ниҳоятда камтар киши бўлиб, ҳеч ўртага пул қўйиб шоҳмот ўйнамаган. Бир куни танимайдиган чет эллик бир жаноб К. Шлехтерга ҳар қайси учрашуви ўн кронадан матч ўйнашни таклиф қилди. Гроссмейстр аввал ўзини таништиргач:

— Наҳотки, мендан зўрроқ ўйнасангиз? — дейди ажабланиб.

## ЎХШАТИШ

Гроссмейстр Смисловнинг овози жуда ширали эди. М. Талнинг мураббийси Александр Кобленц Порторож шаҳрида зоналараро ўтказилган бир турнирга келган эди. У бўш вақтларида рус ва италья тилларида хониш ҳам қиларди. Бир куни ногоҳ унинг олдига бир аёл келиб:

— Жуда мазза қилдим, раҳмат! Қўшиғингиз менга бир улкан санъаткорни эслатди, — деди.

— Энрико Карузонимми? — сўради эриб кетган Кобленц.

— Йўқ, Василий Смисловни, — жавоб берди аёл.

***Мамажон МУҲИДДИНОВ.***



*(Диаграммани ечиб кўрингчи, оқлар бошлаб ютади).*

*Дилкаш суҳбатлар*

# САБРУ-ҚАНОАТ ЯХШИЛИККА ЕТКАЗАДИ

***Эрта тонгда газета-журналлар сотиладиган дўконга албатта бош суқиб ўтасиз. Бўёқ ҳиди келиб турган матбаа нашрларини кўздан кечирасиз. Муқовалари ялтираб турган китобларни, “Фильм`S”, “Санам”, “Саодат” сингари журналларни кўриб, кўзингиз яшнаб кетади. Олиб, варақлайсиз. Оппоқ саҳифаларида чиройли ҳарфлар живирлаб турибди. Ундаги ўзингизга ёққан мақолаларни ўқийсиз. Матбаачилик нуқтаи назаридан бенуқсон бўлгани учун яна қўлингизга оласиз, устасига таҳсинлар ўқийсиз. “Шарқ” матбаа-нашриёт концернининг офсет цехи чоп этувчиси, “Меҳнат шуҳрати” ордени нишондори, меҳнат фахрийси Абдуғаффор Азизов ҳам ана шундай таҳсинга лойиқ соҳиби ҳунарлардан бири саналади.***

**— Абдуғаффор ака, босмахонага ишга келишингизга нима сабаб бўлган?**

— Айтарли сабаби йўқ. 1967 йилнинг ноябрида уч йиллик ҳарбий хизматдан қайтдим. Биласиз, ёру-дўстлар, қавм-қариндошлар келиб қутлашди. Бир-икки ҳафта қўлма-қўл бўлиб қолдим. Бир куни чой устида падарибузрукворим Абдумажид Азизов гап бошлаб қолдилар: “Шунча юрганинг етар, ўғлим, ишга киришни ўйлаяпсанми?” Ҳа, дедим. Рости, саланглаб юриш беш-ўн кундаёқ жонимга теккан эди. “Қаерда ишламоқчисан?” сўрадилар дадам. “Босмахонага ишчилар керак экан”, дедим. “Э, баракалла, — дедилар дадам. — Тўғри, ўйлабсан. Касб ўрганасан. Меҳнатнинг қадрига етасан. Мен ҳам ишчиман, кам бўлганим йўқ. Омадингни берсин”. 1967 йилнинг 1 декабрида ишга қабул қилиндим. “Шарқ” нашриёт-матбаа концернига шу тариқа келиб қолганман. Шунга ҳам мана ўттиз уч йил бўляпти. Умр шошқин дарё деганлари шу бўлса керак.

**— Ҳозир донгдор устасиз. Ўзингизга яраша тахту бахтингиз, иззат-обрўйингиз бор. Бундай ҳурматга бирдан эришиб қолмагандирсиз...**

— Бўлмасам-чи? Беш ой шогирд бўлиб ишладим. Ҳали-ҳали эсимда. Бир куни цехимизни айланиб юрган бирлашган нашриёт (“Шарқ” концерни аввал шундай аталарди) директорининг ўринбосари Ислом Шоғуломовнинг кўзи менга тушиб қолди. “Бу ким, қаердан келди?”, — деб сўрадилар уста Андрей Добикдан. “Кеча келган, исми Абдуғаффор. Уқувлигина экан. Касб ўрганишга иштаҳаси жуда ҳам зўр кўринади”, деди уста Андрей. “Ўзингиз тарбиялайсиз-да, бўлмаса”, деди Ислом ака. Андрей Адамович Добик жуда меҳрибон, кўли гул, ўзи тилла одам эди. Ислом ака айтгандай билганларининг ҳаммасини эринмай ўргатди. Матбаачилик мен тасаввур қилганчалик осон эмас экан. Барака топкур, устамнинг ёрдами билан беш ойда бешинчи тоифали уста номини олишга муяссар бўлдим. Олтинчи тоифага сазовор бўлгач, мустақил иш бошладим. “Ана, энди кучингни кўрсат, — деди устозим елкамга қоқиб. — Машина билан бемалол тиллаша оласан”. Нимага эришган бўлсам, устозим ўгитлари, касбдошларимнинг ёрдами, қолаверса, меҳнатим билан эришдим.



**— Ҳозирги чоп этиш машиналари Германиядан келтирилган экан.**

— Аввалгилари ҳам Германиядан келтирилган эди. Фақат ярим механик турдагиси эди. Ҳозиргилари эса тўла электронлаштирилган. Техникани пухта билсангиз, бошқариш унча қийин эмас.

**— Демак, сиз пухта биласиз. Шундайми?**

— Касбим бўлгандан кейин... Билмаганларимизни Германияга бориб ўрганиб келганмиз.

**— Ўттиз уч йил ишлабсиз, ўринбосарларингиз ҳам борми?**

— Бор. Касб ўргатган Убайдулла Турсунов, Толиб Эшбоев каби кўплаб шогирдларим билан бирга ишлаймиз. Энг қувончлиси ўғлим Абдужаббор ҳам касбимни ўрганишга рағбат билдирди. Ҳозир икковимиз бир сменада меҳнат қилаяпмиз.

**— Цехдаги иш жараёни икки сменалими?**

— Албатта. Биринчиси саҳар 7 яримдан кундуз соат 4 гача, иккинчиси 4 дан кеч 11 гача давом этади. Ҳозир чоп этувчилар бригадириман. Тўрт киши аҳилмиз.

**— Атиги битта ўғлингиз изингиздан кетдими?**

— Ўзи битта-да. Қолган учтаси қиз. Уйли-жойли бўлиб кетишган. Ўн бешта неварага бобоман. Агар ҳаммаси уйимизга келса бозорнинг нақ ўзи бўлади. Етказганига шукур. Умр йўлдошим Фотимабону билан уларнинг дуоижонини қилиб ўтирамиз.

**— Ўзи оилада неча кишисизлар?**

— Уч ака-ука эдик. Катта акам ҳаётдан кўз юмдилар. Падарибузрукворим ҳам саксон беш ёшларида ёруғ олам билан видолашдилар. Жўрабой акаму, мен қолганмиз. Жўра акам жуда меҳрибон. Ўтган йили муборак Ҳаж арконларини ҳам адо этиб келдилар. Шукур, саксон саккиз ёшли онамиз Шарифа аянинг иззатини жойига қўйиб, яшаяпмиз.

**— Сиз ҳам муборак Ҳаж сафарини ўйлаётгандирсиз?**

— Келгуси йил ниятимиз бор. Фотимабону билан тайёргарлик кўраяпмиз.

**— Келинойимнинг исмлари жуда табаррук экан. Мабодо сир бўлмаса айтсангиз: қандай қилиб танишгансиз?**

— Илон баҳона бўлиб танишганмиз. Ўзи қариндошим, холамнинг қизи бўлади. Қайнотам катта деҳқон эдилар. Холамнинг ўғли: “Юр Абдуғаффор, Белтепага бориб, манави илонни поччамизга бериб келамиз”, деди. Ҳеч нимани ўйламай, хўп дедим. Фотимабонуни ўша ерда кўрдим. Елкасида кетмон, даладан келаётган экан. Қалай, деди холамнинг ўғли. Ҳа, энди ёмон эмас, дедим. Кейин билсам, илон баҳонасида мени қизга, қизни менга кўрсатишган экан. Хуллас, 1968 йили тўй қилдик. Тўй ҳам сира эсдан чиқмайдиганидан бўлди. Ёз чилласида нақ никоҳ базми бошланганда, бир жала қуйди денг. Яхшиямки, уй, айвонлар катта, жонимизга оро кирганди.

**— Жуда қизиқ тарих экан. Абдуғаффор ака, ҳикоянгиздан маълум бўлиб турипти, ҳаётнинг баланд-пастини кўрган экансиз. Концернда сиз билан бирга ишга келганлар борми?**

— Э, жуда кўп. Биттасини айтай, гараж бошлиғи Озоджон бор-ку, у билан бир кунда ишга келганмиз. “Меҳнат фахрийси” нишонига сазовор бўлганимда Ислом акамиз кулиб: “Ялангтўш ўспирин бўлиб ишга келгандинг, етук бир фидойи инсон сифатида камол топдинг. Бутун ёшлигингни матбаага бағишладинг, раҳмат, сенга”, дедилар. Бундай раҳматга сазовор оғайниларимиз жуда кўп. Мендай оддий ишчининг шунчалар бахтга мушарраф бўлиши ҳазилакам гапми.

**— Ҳаётдаги энг ажойиб фазилат нимада деб биласиз?**

— Сабр-қаноат! Сабр-қаноатли бўлган ҳар бир одам, албатта, ўзининг ҳамма орзуларига эришади. Ўзингиз ўйланг, ишга келганимда 45 сўм маош олардим. Енгил пул топиш йўлидан кетсам бўлмасмиди? Бўларди. Лекин, мен ундай қилмадим. Барчасини ҳалол меҳнат билан топдим. Нима яхшилик топган, яхши кунларга етган бўлсам, сабр-қаноат туфайли деб биламан. Сабр охири яхшиликка, яхши кунларга олиб келар экан.

**Абдуғаффор ака ўзини “оддий ишчи” деди. Мен эса уларни “Ҳазрати ишчи” деб атагим келади. Ўзининг бахтини, иқболини, босмахонадан топган, касбини жон-дилидан эъзозлаган бу инсон мана шундай эҳтиромга лойиқ, деб ўйлайман.**

***Суҳбатдош Темур УБАЙДУЛЛО.***
***Дилшод АҲМЕДОВ олган сурат.***

## ХОҲ ИШОНИНГ, ХОҲ ИШОНМАНГ

**ВАКТ, ОРКАГА**

Шимолий Кореяда 1998 йилнинг сентябридан бошлаб янги чучхей йилномасига ўтилди. Бунга сабаб буюк доҳий Ким Ир Сеннинг буюк хизматларини абадийлаштириш экан. Шунинг учун энди Шимолий Кореяда тақвим ҳисоб-китоби доҳий туғилган — 1912 йилдан бошланади. Демак, ҳозир Кореяда 2000 йил эмас, 88 йил кетмоқда.

**ЙЎҚОЛГАН ЖОНИВОРЛАР**

Қизил китоб мавжудлигини барча билади. Унда йўқ бўлиб кетган ёки тугаб битиш арафасида турган наботот, ҳайвонот олами вакилларининг номлари ўрин олган. Яхшилаб назар соладиган бўлсак, 34 минг турдан 380таси табиатдан умуман йўқ бўлиб кетган экан. 371 тур батамом қирилиб битган. 6,5 минг тур эса, йўқ бўлиш арафасида турган экан.

Қизил китоб — бу айни пайтда инсониятнинг қанчалар шафқатсизлигини кўрсатувчи кўзгу ҳамдир. Мабодо инсофу товфиқ бермаса, яқинда бўм-бўш саҳрога эга бўлиб қолишимиз ҳеч гап эмас.

**АПРЕЛДА КАТТАЛАР ТУҒИЛАДИМИ?**

Вена университети олимлари ғаройиб тадқиқот ўтказдилар. Улар 1966-1975 йилларда туғилган ярим миллион австриялик ўсмирларни тиббий кўрикдан ўтказдилар. Математик ҳисоб-китобларга суянган ҳолда қуйидагича хулосага келдилар: апрель ойида туғилган бола вояга етгач, ўзининг тенгдошларидан анча баланд бўлар экан. Октябрь ойида туғилган кишилар эса, бўйдан анча “қисилишар” экан. “Буларнинг ҳаммаси қуёш фаолиятининг йиллик айланиши билан боғлиқ бўлса керак”, деб тахмин қилмоқдалар олимлар.

Ким билсин, балки бу гапларда жон бордир. Одамзод қайси ойда туғилса ҳам, тинчгина ҳаёт кечирса бас.

***Темир ТИЛЛАЕВ тайёрлади.***

*Шеърият*

# ЖАҲОН ИЧРА ҚУТЛУҒ ЖАҲОНИМ

*Ўлкам тинч, ёвузлар қувилди,*
*Енгил тин олди тоғу даралар.*
*Барчанинг қалбига сокинлик*
*тўлди,*
*Илтижода ёшу қарилар:*
*Тақдир берган жону*
*иймонни —*
*Ўзинг асра Ўзбекистонни!*

*Ҳа, ўша шарпа-ю, ўша*
*махлуқлар,*
*Жонни молга пулламас бошқа.*
*Кўзлари мудраган меҳри*
*сўнуклар*
*Ота юртда увламас бошқа,*
*Тақдир берган жону*
*иймонни —*
*Ўзинг асра Ўзбекистонни!*

*Жалолиддин Мангуберди*
*руҳ-поки,*
*Еру кўкда кеза бошлади.*
*Ғаддор мўғуллардек палид —*
*ялтоқи*
*Разилларни янчиб ташлади.*
*Тақдир берган жону*
*иймонни —*
*Ўзинг асра Ўзбекистонни!*

*Эртасин ўйлаган*
*хеш-биродарим,*
*Тирик жонлар ҳаққи-ҳурмати.*
*Курраи заминнинг олтин*
*меҳвари —*
*Тупроғи зар Ватан*
*ҳурмати —*
*Тақдир берган жону*
*иймонни —*
*Ўзинг асра Ўзбекистонни!*

*Иймон қалбимизда, юракда*
*бор у,*
*Раҳматингдан умидвор*
*халқмиз.*
*Комил эътиқоду тилакда*
*бор у,*
*Офтоб мисоли зиёли Шарқмиз.*
*Тақдир берган жону*
*иймонни —*
*Ўзинг асра Ўзбекистонни!*

*Истиқлол соҳиби*
*карвонбошимиз,*
*Дуогўй момо-боболар ҳаққи,*
*Туркистон кўкида хур*
*қуёшимиз*
*Дуоси мустажоб болалар*
*ҳаққи:*
*Тақдир берган жону*
*иймонни —*
*Ўзинг асра Ўзбекистонни!*

*Дуога қўл очинг эй, аҳли*
*Ватан,*
*Алишер Навоий айтмишларки*
*хўп:*
*“Ҳеч иш ўлмас айру холиқ*
*амридин,*
*Илтижо махлуққа*
*келтирмагил кўп”.*
*Жаҳон ичра қутлуғ*
*жаҳонни —*
*Ўзинг асра — Ўзбекистонни?!*

**Эркин ХОЛИҚОВ.**

*Об-ҳаво*

Об-ҳавони кузатиш бош бошқармасидан хабар қилишларича, 26 февраль – 1 март кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради. Дастлабки пайтларда ёғингарчилик кутилмайди. Даврнинг охирида вақти-вақти билан айрим жойларда ёғингарчилик бўлади, туман тушади. Ҳарорат кечалари 0–5, кундузлари 15–20 даража илиқ бўлади. Кейинроқ эса ҳаво совиб, кечалари 1–6 даража совуқ, кундузи 3–8 даража илиқ бўлиши кутилади.


Тошкент вилояти Давлат солиқ Бошқармаси Бўка, Зангиота, Ўртачирчиқ туманлари ва Ангрен шаҳар Давлат солиқ инспекцияларидаги вакант суриштирувчи лавозимларига танлов асосида ишга қабул
**ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

Чиноз туманидаги Ғафур Ғулом номли 40-ўрта мактаб томонидан 1997–1998 ўқув йилида Полвонов Баҳодир Анварович номига берилган UZA-093463 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Бўка туманидаги “Бўка” жамоа хўжалиги “Бўка” ширкат хўжалигига айлантирилиши муносабати билан
**ТУГАТИЛАДИ.**
Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб, бир ой давомида қабул қилинади.



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

*Муассис:* ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

*Бош муҳаррир* Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

*Манзилимиз:* 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

*Телефонлар:* хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48. Эълонлар: 133-40-48, 136-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-095. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ. Адади 14.595 нусха.

“Шарқ” нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: якка обуначилар учун 205, ташкилотлар учун 206. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.20. 1 2 3 4 5 6